NIKA PHARM

Фармацевтик компания

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

Азитромицин-Ника

UZ

«ТАСДИҚЛАНГАН»
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг "Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази" ДУК

Мазкур йўриқномани дорини қабул қилишни бошлашдан олдин, диққат билан ўқиб чиқишингизни сўраймиз. Унда Сиз учун муҳим маълумотлар мавжуд. Сиз ушбу маълумот сақловчи қўллаш бўйича йўриқномани сақлаб қўйинг, чунки кейинчалик Сиздан уни яна бир бор ўқиб чиқиш зарурат туғилиши мумкин. Ҳар қандай қўшимча маълумот ёки маслаҳатни олиш учун шифокорингиз ёки фармацевтга мурожаат қилинг. Шифокорингиз ушбу дори препаратини шахсан Сизга буюрган. Сиз уни бошқа шахсларга бермаслигингиз керак. Ҳаттоки уларнинг касаллик симптомлари Сизникига ўхшаш бўлса ҳам, препарат уларга зиён етказиши мумкин.

Препаратнинг савдо номи: АЗИТРОМИЦИН-НИКА
Таъсир этувчи модда (ХПН): азитромицин
Дори шакли: қаттиқ капсулалар.
Таркиби:
Бир капсула қуйидагиларни сақлайди:
фаол модда: азитромицин дигидрати азитромицинга қайта ҳисобланганда - 250 мг;
ёрдамчи моддалар: натрий крахмал гликоляти, магний стеарати.
Таърифи: оқ ёки деярли оқ рангли қуқун билан тўлдирилган, «2» ўлчамли, қаттиқ, оқ рангли, желатин капсулалар.
Фармакотерапевтик гуруҳи: антибиотиклар (макролид-азалидлар гуруҳи).
АТХ коди: J01FA10

Фармакологик хусусиятлари
Кенг таъсир доирасига эга антибиотик бўлиб, бактериостатик таъсир кўрсатади. Макролид антибиотикларнинг янги кичик гуруҳи – азалидларнинг биринчи вакили ҳисобланади. Яллиғланиш ўчоғида юқори концентрацияси ҳосил бўлганида бактерицид таъсир кўрсатади.
Азитромициннинг таъсир механизми микроб ҳужайраларининг оқсил синтезини бостириши билан боғлиқ. Рибосомани 50S-суббирлиги билан боғланиб пептидтранслоказани трансляция босқичида сусайтиради ва бактерияларни ўсиши ва кўпайишини секинлаштириб, оқсил синтезини бостиради. Юқори концентрацияларда бактериоцид таъсир кўрсатади.
Қатор граммусбат, граммманфий, анаэроблар, ҳужайраички ва бошқа микроорганизмларга нисбатан фаолликка эга.
Микроорганизмлар бошиданоқ антибиотикнинг таъсирига чидамли бўлиши ёки унга чидамлиликни орттириши мумкин.
Азитромицинга микроорганизмларнинг сезгирлигининг шкаласи (МИК, мг/л)

Микроорганизмлар	МИК (мг/л)	
	Сезгир	Чидамли
Staphylococcus	≤1	>2
Staphylococcus A,B,C,G	≤0,25	>0,5
Streptococcus pneumonia	≤0,25	>0,5
Haemophilus influenzae	≤0,12	>4
Moraxella catarrhalis	≤0,5	>0,5
Neisseria gonorrhoeae	≤0,25	>0,5

Кўпчилик ҳолатларда азитромицин препарати *граммусбат аэроб бактерияларга нисбатан фаол*: Staphylococcus aureus (метициллинга сезгир штаммлари), Streptococcus pneumoniae (пенициллинга сезгир штаммлари), Streptococcus pyogenes; *граммманфий анаэроб бактериялар:* Haemophilus influenzae, Haemophilus parainfluenzae, Legionella pneumophila, Moraxella catarrhalis, Pasteurella multocida, Neisseria gonorrhoeae; *анаэроб бактериялар:* Clostridium perfrigens, Fusobacterium spp., Prevotella spp., Porphyromonas spp.; *бошқа микроорганизмлар:* Chlamydia trachomatis, Chlamydia pneumoniae, Chlamydia psittaci, Mycoplasma pneumoniae, Mycoplasma hominis, Mycoplasma genitalium, Borrelia burgadorferi.
Азитромицинга чидамлилик ривожланиши мумкин бўлган микроорганизмлар: граммусбат анаэроблар – Sterptococcus pneumoniae (пенициллинга чидамли штаммлар).
Бошиданоқ чидамли микроорганизмларга: *граммусбат аэроблар* – Enterococcus faecalis, Staphylococci (метициллинга чидамли стафилококк штаммлари макролидларга жуда юқори чидамлилик намоён қилади); эритромицинга чидамли граммусбат бактериялар; *анаэроблар* – Bacteroides fragilis.

Фармакокинетикаси
Сўрилиши
Препарат меъда-ичак йўлларидан тез сўрилади, бу унинг кислотали муҳитга чидамлилиги ва липофиллиги билан боғлиқ. Ичга 500 мг қабул қилинганидан кейин азитромициннинг қон плазмасидаги максимал концентрациясига (C_{max}) 2,5-2,9 соатда эришилади ва у 0,4 мг/л ни ташкил қилади. Биокираолишлиги 37% ни ташкил қилади.
Тақсимланиши
Азитромицин нафас йўлларига, урогенитал йўлларининг аъзолари ва тўқималарига (хусусан, простата безига), тери ва юмшоқ тўқималарга яхши киради. Оқсиллар билан қайта боғланиши қон плазмасидаги концентрациясига тескари пропорционал ва 7-50% ни ташкил этади. Гистогематик тўсиқлар орқали енгил ўтади ва тўқималарга яхши киради. Тўқималардаги юқори концентрациялари (қон плазмасидагига нисбатан 10-50 марта юқори) ва ярим чиқарилиш даврининг ($T_{1/2}$) узоқлиги, азитромициннинг қон плазмаси оқсиллари билан паст даражада боғланиши, ҳамда унинг эукариотик ҳужайраларга кираолиш қобилияти ва pH паст бўлган лизосомалар атрофидаги муҳитда кўпроқ тўпланиши билан боғлиқ. Бу, ўз навбатида, катта тахминий тақсимланиш ҳажмини (V_d - 31,1 л/кг) ва юқори плазма клиренсини белгилайди. Ҳужайра мембраналари орқали ўтади (ҳужайраичи кўзғатувчилари чақирган инфекцияларда самарали). Азитромициннинг кўпроқ лизосомаларда тўпланиш қобилияти, айниқса ҳужайрални кўзғатувчиларининг чиқарилиши учун муҳимдир. Инфекция жойига фагоцитлар томонидан етказиб берилади, у ерда бактериялар ишторокида ажралиб чиқади. Фагоцитларнинг азитромицинни инфекция жойлашган жойга етказиб бериши исботланган, у ерда фагоцитоз жараёнида ажралиб чиқади. Азитромициннинг концентрацияси инфекция ўчоқларида соғлом тўқималардагига нисбатан ишончли (ўртача 24-34% га) юқори ва яллиғланиш шиши даражаси билан мос келади. Фагоцитлардаги юқори концентрацияси қарамасдан, азитромицин уларнинг фаолиятига амалда таъсир қилмайди. Азитромицин деярли унинг фаолиятига таъсир этмайди. Азитромицин яллиғланиш ўчоғида бактерицид концентрацияларда, охирги қабул қилинган дозадан кейин 5-7 кун давомида сақланади, бу қисқа (3 кунлик ва 5 кунлик) даволаш курсларини ишлаб чиқиш имконини беради.
Метаболизми
Препарат жигарда деметилланиш йўли билан фаол бўлмаган метаболитлар ҳосил қилиб метаболизмга учрайди.
Чиқарилиши
Азитромициннинг қон плазмасидан чиқарилиши 2 босқичда содир бўлади: ярим чиқарилиш даври препарат қабул қилингандан кейин 8 соатдан 24 соат оралиғида 14-20 соатни ва 24 соатдан 72 соат оралиғида – 41 соатни ташкил қилади, бу эса препаратни суткада 1 марта қўллаш имкониятини беради. Азитромициннинг терапевтик концентрацияси охирги доза қабул қилинганидан сўнг 5-7 кунгача сақланиб қолади. Асосий чиқарилиш йўли – ўт суюқлиги билан, асосан, ўзгармаган ҳолда, 50% - ичак орқали, 6% буйрак орқали чиқарилади.

Қўлланилиши
Препаратга сезгир микроорганизмлар чақирган инфекцион-яллиғланиш касалликлар:
- юқори нафас йўлларининг ва ЛОР-аъзоларининг инфекциялари (ангина, синусит, тонзиллит, фарингит, ўрта отит);
- қуйи нафас йўлларининг инфекциялари (бактериал ва атипик пневмониялар, сурункали пневмонияни зўрайиши, бронхит);
- тери ва юмшоқ тўқималарнинг инфекциялари (сарамас, импетиго, иккиламчи инфекцияланган дерматозлар);
- Chlamydia trachomatis чақирган сийдик чиқариш йўлларининг инфекциялари (гонореяли ва гонореяли бўлмаган уретрит, цервицит);
- Лайма касаллигининг (боррелиоз) бошланғич босқичи, кўчиб юрувчи эритема (erythema migrans);
- Helicobacter pylori билан ассоциацияланган меъда ва ўн икки бармоқли ичакнинг касалликларида (мажмуавий даволаш таркибида) қўлланади.

Тўғри қўллаш ҳақида маълумот
Қўллаш усули ва дозалари
Ҳар доим АЗИТРОМИЦИН-НИКА ни Сизнинг даволовчи шифокорингиз тавсияларига аниқ қатъий амал қилган ҳолда қўлланг. Агар Сиз нимададир иккилансангиз, ўз шифокорингиз ёки фармацевтдан сўранг.
Ичга қабул қилиш учун капсулалар.
Чайнамасдан, овқатланишдан 1 соат олдин ёки 2 соат кейин, суткада 1 марта қабул қилиш тавсия этилади.
Катталарга ва 12 ёшдан ошган тана вазни 45 кг дан юқори бўлган болаларга.
ЛОР-органлари, юқори ва қуйи нафас йўлларининг инфекцияларида –суткада 500 мг (250 мг ли 2 та капсулдан ёки 1 та 500 мг ли капсула) дан 3 кун давомида (курс дозаси – 1,5 г).
Тери ва юмшоқ тўқималарнинг инфекцияларида – суткада 1000 мг (250 мг ли 4 та капсулдан ёки 2 та 500 мг ли капсула) дан биринчи куни 1 қабулда, кейин суткада 500 мг дан (250 мг ли 2 та капсулдан ёки 1 та 500 мг ли капсула) 2-5 кунлари хар куни (курс дозаси – 3,0 г) буюрилади.
Chlamydia trachomatis чақирган сийдик чиқариш йўлларининг ўткир инфекцияларида (асоратланмаган уретрит ёки цервицит) - бир марта 1000 мг (250 мг ли 4 та капсулдан ёки 1 та 500 мг ли капсула). буюрилади.
Лайма касаллигида (боррелиоз) I босқичини даволаш учун кўчиб юрувчи эритемада (erythema migrans) – 1000 мг (250 мг ли 4 та капсулдан ёки 1 та 500 мг ли капсула) биринчи куни ва 500 мг (250 мг ли 2 та капсулдан ёки 1 та 500 мг ли капсула) дан 2-кундан 5 кунгача ҳар куни буюрилади (курс дозаси – 3,0 г).
Меъда ва ўн икки бармоқли ичакнинг Helicobacter pylori билан ассоциацияланган бўлган яра касаллигида - суткада 1000 мг (250 мг ли 4 та капсулдан ёки 2 та 500 мг ли капсула) дан 3 кун давомида антихеликобактериясини мажмуавий даволаш таркибида буюрилади.
Препаратнинг битта дозасини қабул қилиш ўтказиб юборилган ҳолатда, ўтказиб юборилган дозани имкон қадар вақтлироқ, кейингиларини эса – 24 соатлик танаффус билан қабул қилиш керак.
Буйрак функциясини бузилган пациентларда: буйрак функциясини ўртача ва оғир даражали бузилиши бўлган пациентларда қўлланганда (КК 40 мл/мин кўп) дозани тузатиш талаб этилмайди.
Жигар функциясини бузилган пациентларда: жигар функциясини ўртача ва оғир даражали бузилиши бўлган пациентларда қўлланганда дозани тузатиш талаб этилмайди.
Кекса ёшли пациентларда: дозани тўғрилаш талаб этилмайди. Доимий проаритмоген омиллари бўлган кекса ёшли пациентларда аритмияни, шу жумладан "пируэт" тури аритмиясини ривожланишини юқори хавфи туфайли, эхтиёткорлик билан қўллаш лозим.

Ножўя таъсирлари
Ҳар қандай дори воситаси каби, АЗИТРОМИЦИН-НИКА ҳам, ҳар бир истеъмолчида кузатилмасада, ножўя таъсирлар чақириши мумкин.
Ножўя самараларининг тез-тезлиги ЖССТ тавсияларига мувофиқ таснифланган: жуда тез-тез (≥10%), тез-тез (≥1% - <10%), тез-тез эмас (≥0,1% - <1%), кам ҳолларда (≥0,1% - 0,1%), жуда кам ҳолларда (<0,01%), тез-тезлиги номаълум (бор маълумотлар асосида бахолаш мумкин эмас).
Баъзи ҳолларда қуйидаги ножўя таъсирлар кузатилиши мумкин:
- *инфекцион касалликлар:* тез-тез эмас – кандидоз (шу жумладан оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати ва гениталийни), пневмония, фарингит, гастроэнтерит, респиратор касалликлар, ринит; тез-тезлиги номаълум – сохтамембраноз колит.
- *қон ва лимфатик тизими томонидан:* тез-тез эмас – лейкопения, нейтропения, эозинофилия; жуда кам холларда – тромбоцитопения, гемолитик анемия.
- *моддалар алмашинуви томонидан:* тез-тез эмас – анорексия.
- *нерв тизими томонидан:* тез-тез - бош оғриғи; тез-тез эмас - бош айланиши, таъм сезишни бузилиши, парестезия, уйқучанлик, уйқусизлик, асабийлик; кам холларда – ажитация; тез-тезлиги номаълум – гипестезия, хавотирлик, тажовускорлик, ҳушдан кетиш, тиришишлар, психомотор гиперфаоллик, ҳид сезишни йўқолиши, ҳид билишни бузилиши, таъм билишни йўқолиши, миастения, алахсираш, галлюцинациялар.
- *кўриш аъзолари томонидан:* тез-тез эмас – кўришни бузилиши.
- *эшитиш аъзоси томонидан ва лабиринтли бузилишлар:* тез-тез эмас – эшитишни бузилиши, вертиго; тез-тезлиги номаълум – ҳатто карликкача эшитишни бузилиши ва/ёки қулоқларда шовқин.
- *юрак-қон томир тизими томонидан:* тез-тез эмас - юрак уришини сезиш, юзга қонни оқиб келиши; тез-тезлиги номаълум – АБ пасайиши, ЭКГ да QT интервалини ошиши, "пируэт" тури аритмия, қоринча тахикардияси.
- *нафас тизими томонидан:* тез-тез эмас – ҳансираш, бурундан қон кетиши.
- *меъда-ичак йўллари томонидан:* жуда тез-тез – диарея; тез-тез – кўнгил айниши, қусиш, қорин соҳасида оғриқ; тез-тез эмас – метеоризм, диспепсия, қабзият, гастрит, дисфагия, қоринни дам бўлиши, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини қуриши, кекириш, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини яраси, сўлак безлари секрециясини ошиши; жуда кам холларда – тилнинг рангини ўзгариши, панкреатит.
- *жигар ва ўт-сафро чиқариш йўллари томонидан:* тез-тез эмас – гепатит; кам холларда – жигар функциясини бузилиши, холестатик сариқлик; тез-тезлиги номаълум – жигар етишмовчилиги (кам ҳолларда кўринишида ўлим билан якунланувчи оғир жигар функциясини бузилиши), жигар некрози, фульминант гепатит.
- *таянч-ҳаракат аппарати томонидан:* тез-тез эмас – остеоартрит, миалгия, белда оғриқ, бўйинда оғриқ; тез-тезлиги номаълум – артралгия.
- *буйрак ва сийдик-чиқариш йўллари томонидан:* тез-тез эмас – дизурия, буйрак соҳасида оғриқ; тез-тезлиги номаълум – интерстициал нефрит, ўткир буйрак етишмовчилиги.
- *жинсий аъзолар ва сут безлари томонидан:* тез-тез эмас – метроррагия, тухумдонлар функциясини бузилиши.
- *тери ва тери ости тўқималари томонидан:* тез-тез эмас – тери тошмаси, қичишиш, эшак еми, дерматит, терини қуруқлиги, кўп терлаш; кам холларда – фотосенсибилизация реакцияси, ўткир ёйилган экзантематоз пустулези (AGEP); тез-тезлиги номаълум – Стивенс-Джонсон синдроми, токсик эпидермал некролиз, кўп шаклли эритема.
- *аллергик реакциялар:* тез-тез эмас - ангионевротик шиш, ўта юқори сезувчанлик реакцияси; тез-тезлиги номаълум – анафилактик реакциялар.
- *бошқа ҳолатларда:* тез-тез эмас – астения, лоҳаслик, чарчоқлик ҳисси, юз шиши, кўкракда оғриқ, иситма, периферик шиш.
- *лаборатория маълумотлари:* лимфоцитлар миқдорини пасайиши, эозинофилялар миқдорини ошиши, базофиллар миқдорини ошиши, моноцитлар миқдорини ошиши, нейтрофиллар миқдорини ошиши, қон плазмасида бикарбонатлар концентрациясини пасайиши; тез-тез эмас – АСТ, АЛТ фаоллигини ошиши, қон плазмасида билирубин концентрациясини ошиши, қон плазмасида мочевина концентрациясини ошиши, қон плазмасида креатинин концентрациясини ошиши, қон плазмасида калий миқдорини ўзгариши, қон плазмасида ИФ фаоллигини ошиши, қон плазмасида хлор миқдорини ўзгариши, қон плазмасида глюкоза концентрациясини ошиши, тромбоцитларни миқдорини ошиши, гематокритни ошиши, қон плазмасида бикарбонат концентрациясини ошиши, қон плазмасида натрий миқдорини ўзгариши кузатилиши мумкин.
Агар Сизда ушбу йўриқномада таърифланмаган ҳар қандай бошқа ножўя таъсирлар қайд этилса, илтимос, Ўзингизнинг шифокорингизга, фармацевтингизга ёки ишлаб чиқарувчига хабар беринг.

Дори воситасини қўллашни бошлашдан олдин зарур бўлган маълумот
Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар
АЗИТРОМИЦИН-НИКА ни қуйидаги ҳолларда қўлламанг:
- азитромицинга, эритромицинга, бошқа макролидларга ёки кетолидларга, ёки препаратнинг бошқа компонентларига юқори сезувчанлик;
- жигар функциясини оғир даражали бузилиши;
- буйрак функциясини оғир даражали (КК<40 мл/мин) бузилиши;
- фенилкетонурия;
- эрготамин ва дигидроэрготамин билан бир вақтда қабул қилиш;
- тана вазни <45 кг бўлган 12 ёшгача бўлган болалар (250 мг ва 500 мг капсулалари учун);
Эҳтиёткорлик билан: миастения; жигар функциясини оғир ва ўртача даражали бузилиши; буйрак функциясини (КК<40 мл/мин) оғир ва ўртача даражали бузилиши; проаритмоген омиллари мавжуд бўлган пациентлар (айниқса кекса пациентларда) – QT оралиғини туғма ёки орттирилган узайиши, IA (хинидин, прокаинамид) ва III синфи (дофетилид, амиодарон ва соталол) аритмияга қарши препаратлар цизаприд, терфенадин, антипсихотик препаратлар (пимозид), антидепрессантлар (циталопрамид), фторхинолонлар (моксифлоксацин ва левофлоксацин) билан даволанаётган, сув-электролит мувозанатини бузилишлари, айниқса гипокалиемия ёки гипомагниемияси, клиник аҳамиятли брадикардияси, аритмияси ёки оғир юрак етишмовчилиги бўлган пациентлар; дигоксин, варфарин, циклоспорин билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири
Агар Сиз бошқа дори воситаларини ичаётган бўлсангиз ёки бироз олдин ичган бўлсангиз, улар рецептсиз бериладиган бўлса ҳам, илтимос, ўзингизнинг шифокорингизга ёки фармацевтингизга хабар беринг.
Антацид препаратлар
Антацид воситалар азитромициннинг биокираолишлигига таъсир қилмайди, лекин қонда C_{max} ни 30% га пасайтиради, шунинг учун азитромицинни бу препаратларини қабул қилишдан 1 соат олдин ёки 2 соатдан кейин қабул қилиш керак.
Цетиризин
Соғлом одамларда азитромицинни 5 кун давомида цетиризин (20 мг) билан биргаликда қўллаш фармакокинетик ўзаро таъсирлашув ва QT оралиғининг ҳаҳамиятли ўзгаришига олиб келмаган.
Дигоксин (Р-гликопротеин субстратлари)
Макролид антибиотикларини, шу жумладан дигоксин каби азитромицинни Р-гликопротеин субстратлари билан бир вақтда қабул қилиш, қон зардобида Р-гликопротеин субстрат концентрациясини ошишига олиб келади. Шундай қилиб, азитромицин ва дигоксин бир вақтда қўлланилганда, қон зардобида дигоксиннинг концентрациясини ошиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.
Зидовудин
Азитромицинни (бир марта 1000 мг қабул ва кўп марта 1200 мг ёки 600 мг қабул) бир вақтда қабул қилиш фармакокинетикага аҳамиятсиз, шу жумладан зидовудинни ёки унинг глюкуронид метаболитини буйрак орқали чиқарилишига таъсир қилади. Бироқ азитромицинни қўллаш периферик қондаги мононуклеарларда клиник фаол метаболити, фосфорланган зидовудиннинг концентрациясини ошишини чақирган.
Азитромицин цитохром Р450 тизими изоферментлари билан кучсиз ўзаро таъсир қилади. Азитромицинни эритромицин ва бошқа макролидларнинг ўзаро фармакокинетик таъсириларида иштирок этиши аниқланмаган. Азитромицин ва цитохром Р450 тизимининг ингибиторлари ва изоферментларини ингибиторлари индуктори ҳам ҳисобланмайди.
Шохкуя алкалоидлари
Назарий эрготизм пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, азитромицинни шохкуя алкалоидлари ҳосилалари билан бир вақтда қўллаш тавсия этилмайди. Бир вақтда азитромицин ва метаболизми цитохром Р450 тизими изоферментлари иштирокида юз берадиган препаратлари қўлланганда фармакокинетик тадқиқотлар ўтказилган.
Аторвастатин
Аторвастатин (ҳар куни 10 мг дан) ва азитромицинни (ҳар куни 500 мг дан) бир вақтда қўллаш қон плазмасида аторвостатиннинг концентрациясини ўзгаришини чақирмаган (ГМК-КоА-редуктазани ингибирланишини тахлили асосида). Бироқ рўйхатга олишдан кейинги даврда азитромицин ва статинларини бир вақтда қабул қилаётган пациентларда рабдомиолиз ҳоллари ҳақида алоҳида хабарлар олинган.
Циметидин
Циметидин азитромициндан 2 соат олдин қабул қилинган шароитда, бир марталик дозада қабул қилинганда циметидиннинг азитромицин фармакокинетикасига таъсири бўйича фармакокинетик тадқиқотларда азитромицин фармакокинетикасининг ўзгариши аниқланмаган.
Билвосита таъсир қилувчи антикоагулянтлар (кумарин ҳосилалари)
Фармакокинетик тадқиқотларда азитромицин соғлом кўнгилларда варфариннинг бир марталик 15 мг дозасини антикоагулянтлар самарасига таъсир қилмаган. Азитромицин ва билвосита таъсир қилувчи антикоагулянтлар (кумарин хосилалари) бир вақтда қўлланган кейин антикоагулянт самарани потенцияланиши ҳақида хабар берилган. Сабаб алоқаси аниқланмаганига қарамасдан, билвосита таъсирга эга перорал антикоагулянтларни (кумарин ҳосилаларини) қабул қилаётган пациентларда азитромицин қўлланганда протромбин вақтини тез-тез мониторингини ўтказиш зарурлигини ҳисобга олиш лозим.
Циклоспорин
Азитромицинни ичга 3 кун давомида қабул килиб (бир марта суткада 500 мг), сўнг циклоспоринни қабул қилган (бир марта суткада 10 мг/кг), соғлом кўнгилларда қатнашган фармакокинетик тадқиқотларда, қон плазмасида циклоспоринниг C_{max} ва AUC_{0-5} ни ишончли ошиши аниқланган. Бу препаратлар бир вақтда қўлланганда эхтиётқорликка риоя қилиш керак. Бу препаратларни бир вақтда қўллашни зарурати бўлганида, қон плазмасида циклоспоринни концентрациясини мониторингини ўтказиш ва дозани мос равишда тузатиш керак.
Флуконазол
Азитромицин (1200 мг) флуконазол (800 мг бир маротаба) билан бир вақтда қўлланганда фармакокинетикасини ўзгартирмаган. Флуконазол билан бир вақтда қўлланганда, азитромициннинг умумий экспозицияси ва $T_{1/2}$ ўзгармаган, лекин бунда азитромициннинг C_{max} пасайган (18%га), бу эса клиник аҳамият касб этмаган.
Нелфинавир
Азитромицин (1200 мг) ва нелфинавир (750 мг дан 3 маҳал/сутка) ни бир вақтда қўллаш қон плазмасида азитромицин C_{ss} ошишини чақиради. Клиник аҳамиятга эга бўлган ножўя самаралар кузатилмаган ва азитромицин дозасига тузатиш киритиш, у нелфинавир билан бир вақтда қўлланганда, талаб этилмайди.
Рифабутин
Азитромицин ва рифабутинни бир вақтда қўллаш ҳар бир препаратнинг қон плазмасидаги концентрациясига таъсир қилмайди. Азитромицин ва рифабутинни бир вақтда қўллашда гоҳида нейтропения кузатилган. Нейтропениянинг рифабутинни қўллаш билан боғлиқлиги аниқланмаган. Нейтропениянинг рифабутинни қўллаш билан боғлиқлиги қарамай, азитромицин ва рифабутин мажмуасини қўллаш ва нейтропения ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқлик аниқланмаган.
Терфенадин
Фармакокинетик тадқиқотларда азитромицин ва терфенадинни ўзаро таъсирини далиллари аниқланмаган. Бундай ўзаро таъсир мумкинлигини тўлиқ истисно қилиш мумкин бўлмаган, якка ҳоллар ҳақида хабар қилинган, аммо бундай ўзаро таъсир бўлганлиги ҳақида биронта ҳам аниқ далиллар бўлмаган.
Терфенадин ва макролидларни бир вақтда қўллаш аритмия ва QT интервалини узайишини чақириши мумкинлиги аниқланган.

Махсус кўрсатмалар
Препаратни бир дозасини қабулини ўтказиб юборилган ҳолларда, дозани мумкин қадар эртароқ, кейингисини – 24 соат танаффуслар билан қабул қилиш керак.
Препарат антацид препаратларни қабул қилишдан, ҳеч бўлмаганда, 1 соат олдин ёки 2 соатдан кейин қабул қилиниши керак.
Бошқа антибактериал препаратларни қабул қилишдаги каби, азитромицин билан даволашда чидамли микроорганизмлар ва суперинфекция ривожланишини белгилари, шу жумладан замбуруғлар мавжудлигига пациентларни мунтазам текшириш керак.
Азитромицинни йўриқномада кўрсатилгандан давомлийроқ курслар билан қўллаш мумкин эмас, чунки азитромициннинг фармакокинетик хусусиятлари қисқа ва оддий дозалаш тартибини тавсия қилиш имкониятини беради.
Азитромицин ва эрготамин ҳамда дигидроэрготамин ҳосилалари орасида эҳтимолий ўзаро таъсирлашув ҳақида маълумотлар йўқ, лекин макролидларни эрготамин ва дигидроэрготамин ҳосилалари билан бир вақтда қўллашда эрготизмнинг ривожланиши туфайли, ушбу мажмуа тавсия қилинмайди.
Азитромицинни узоқ вақт қабул қилишда, енгил диарея кўринишида ҳам оғир колит кўринишида ҳам Clostridium difficile томонидан чақирилган сохтамембраноз колит ривожланиши мумкин.
Азитромицинни қабул қилиш фонида, шунингдек даволаш тугагандан кейин 2 ой ўтгач антибиотик – ассоциацияланган (диарея ривожланганда) сохта мембраноз колитни истисно қилиш керак.
Ичак перистальтикасини тормозловчи препаратларни қўллаш мумкин эмас.
Макролидлар, шу жумладан азитромицин билан даволашда, юрак аритмиялари хавфини, шу жумладан "пируэт" турини аритмияни оширувчи юрак реполяризациясини ва QT интервалини узайиши кузатилган.
Проаритмоген омиллари (айниқса кекса ёшдаги блар), шу жумладан QT интервали туғма ёки орттирилган узайиши бўлган пациентларда; IA (хинидин, прокаинамид), III (дофетилид, амиодарон ва соталол) цизаприд, терфенадин, антипсихотик препаратлар (пимозид), антидепрессантлар (циталопрам), фторхинолонларни (моксифлоксацин ва левофлоксацин) қабул қилаётган пациентларда, сув-электролит мувозанатини бузилиши бўлган пациентларда, айниқса гипокалиемия ёки гипомагниемия ҳолларида, клиник аҳамиятли брадикардияда, юрак аритмияси ёки оғир юрак етишмовчилигида азитромицинни эҳтиётқорлик билан қўллаш керак.
Азитромицинни қўллаш миастения синдроми ривожланишини чақириши ёки миастенияни кучайишини чақириши мумкин.
Жигар функциясини бузилишида қўлланиши
Жигар функциясини ўртача ва оғир даражали бузилиши бўлган фульминант гепатит пациентларда ва оғир даражали жигар етишмовчилигида ривожланиши мумкин бўлганлиги учун азитромицинни эҳтиётқорлик билан қўллаш керак.
Тез ошиб борувчи астения, сариқлик, сийдикни тўқлашиши, қон кетишига мойиллик, жигар энцефалопатияси каби жигар функциясини бузилишини, симптомлари жигарнинг функционал ҳолатида бўлганда азитромицин билан даволашни тўхтатиш ва текширишни ўтказиш керак.
Жигар функциясини оғир даражали бузилиши (Чайлд-Пью шкаласи бўйича С синфи) қўллаш мумкин эмас.
Буйраклар функциясини бузилишида қўлланилиши
Буйрак функциясини ўртача ва оғир даражали (КК>40 мл/мин) бузилишида, буйрак функциясини ҳолатини назорати остида азитромицин билан даволашни эҳтиётқорлик билан олиб бориш керак.
Буйраклар фаолиятини оғир даражали (КК <40 мл/мин) бузилишида қўллаш мумкин эмас.
Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши
Агар сиз АЗИТРОМИЦИН-НИКА билан даволаниш вақтида ҳомиладор эканлигингиз маълум бўлса дарҳол шифокорингизга мурожат қилинг, чунки фақат у даволанишни давом эттириш ёки тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.
Ҳомиладорлик ва лактация даврида препаратни қўллаш фақат шифокор тавсиясига кўра ва фақат қатъий тиббий назорат остида, онага учун мўлжалланган фойда ҳомила учун мумкин бўлган потенциал хавфдан устун турсагина қўллаш мумкин.
Препаратни лактация даврида қўллашнинг зарурати бўлганда эмизишни тўхтатиш керак.
ЖССТ азитромицинни ҳомиладорларда хламидий инфекциясини даволашда танлов препарат сифатида тавсия этади.
Педиатрияда қўлланилиши
Тана вазни <45 кг бўлган (250 мг ва 500 мг капсулалари учун) 12ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас.
Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири
Транспорт воситаларини ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсир қилиши мумкин бўлган айрим ножўя таъсирларни (уйқучанлик, конвулсиялар, галлюцинациялар, делирюм, бош айланиши, ҳушидан кетиш) ривожланиш эҳтимолини ҳисобга олиш керак.

Дозанинг ошириб юборилиши
Сизга буюрилган дозадан юқорироқ доза қабул қилинганида дарҳол шифокорга мурожаат қилинг!
Симптомлари: кўнгил айниши, эшитишнинг вақтинча йўқолиши, қусиш, диарея.
Даволаш: симптоматик даволаш, меъдани ювиш ўтказиш керак.

Чиқарилиш шакли
250 мг дан капсулалар. 6 капсуладан контур-уяли ўрамда.
1, 2 ёки 3 та контур уяли ўрамлар тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланади.

Сақлаш шароитлари
Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 15^{0}С дан 25^{0}С гача бўлган ҳароратда сақлансин.
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати
2 йил.
Яроқлилик муддати ўтганидан сўнг қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби
Шифокор рецепти бўйича.

Ишлаб чиқарувчи:
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:
«NIKA PHARM» МЧЖ
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Сайрам 7-тор кўчаси, 48-А уй.
Тел.: +99878 150 86 68; Факс: +99878 150 84 48.
www.nikapharm.uz

Дори воситасини сифати тўғрисидаги истеъмолчиларнинг истак ва таклифлари ва препаратнинг таъсир самарасизлиги ёки ҳар қандай ножўя таъсир тўғрисидаги маълумотни қуйидаги манзилга юборишингизни ёки телефон орқали ҳабар беришингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Сайрам 7- тор кўчаси, 48-А уй

+(998 78) 150-86-68
+(998 78) 150-84-48

info@nikapharm.uz

www.nikapharm.uz

NIKAPHARM

фармацевтическая компания

ИНСТРУКЦИЯ ПО МЕДИЦИНСКОМУ ПРИМЕНЕНИЮ

Азитромицин-Ника

RU

«УТВЕРЖДЕНО»
ГУП "Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники" Агентства по развитию фармацевтической отрасли при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан

Просим Вас внимательно прочесть данную инструкцию до того, как Вы начнете принимать лекарство. Она содержит важную для Вас информацию. Сохраните эту инструкцию с информацией по применению, так как позднее Вам может потребоваться прочитать её еще раз. Для получения любой дополнительной информации или совета, пожалуйста, обратитесь к Вашему врачу или фармацевту. Ваш врач выписал данный лекарственный препарат Вам лично. Вы не должны передавать его другим лицам. Он может навредить им, даже если симптомы их заболевания схожи с Вашими.

Торговое название препарата: АЗИТРОМИЦИН-НИКА
Действующее вещество (МНН): азитромицин.
Лекарственная форма: твердые капсулы.
Состав:
одна капсула содержит:
активное вещество: азитромицина дигидрат в пересчете на азитромицин – 250 мг;
вспомогательные вещества: натрия крахмала гликолят, магния стеарат.
Описание: твердые желатиновые непрозрачные капсулы, белого цвета, размер «2», заполненные порошком белого или почти белого цвета.
Фармакотерапевтическая группа: антибиотики (группа макролиды-азалиды).
Код АТХ: J01FA10.

Фармакологические свойства
Антибиотик широкого спектра действия, оказывает бактериостатическое действие. Является первым представителем новой подгруппы макролидных антибиотиков – азалидов. При создании в очаге воспаления высоких концентраций оказывает бактерицидное действие.
